BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI 1930

КАЗАНСКИЙ ФЕДЕРАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ 1804

EURASIAN NATIONAL UNIVERSITY

ЮЖНЫЙ ФЕДЕРАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ЮФУ

# "SANOAT VA XIZMAT KO'RSATISH SOHALARINING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI: TENDENSIYALAR, BOSHQARUV, STRATEGIYALAR"

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami

2022 yil 2-3 mart



"Digital Transformation of Industry and Services: Trends, Management, Strategies" collection of abstracts

March 2-3, 2022

«Цифровая трансформация промышленности и сферы услуг: тенденции, управление, стратегии» сборник тезисов

2-3 марта 2022 года.

BBS Agrobank korzinka.uz BUXORO AGRO KLASTER

BUKHARA - БУХАРА - BUXORO - 2022

OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

IQTISODIYOT VA TURIZM FAKULTETI

# “SANOAT VA XIZMAT KO‘RSATISH SOHALARINING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI: TENDENSIYALAR, BOSHQARUV, STRATEGIYALAR”

**Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami**

**2022 yil 2-3 mart**

# «ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И СФЕРЫ УСЛУГ: ТЕНДЕНЦИИ, УПРАВЛЕНИЕ, СТРАТЕГИИ»

**сборник тезисов**
**2-3 марта 2022 года**

# “DIGITAL TRANSFORMATION OF INDUSTRY AND SERVICES: TRENDS, MANAGEMENT, STRATEGIES”

**collection of abstracts**
**March 2-3, 2022**

“Durdona” nashriyoti
Buxoro – 2022

## MUNDARIJA

**Buxoro davlat universiteti rektori O.X.Xamidovning tabrik so'zi** 3

**1-SHO''BA: O'ZBEKISTON VA XORIJIY DAVLATLARDA RAQAMLI IQTISODIYOT: MUAMMOLAR VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

| | | |
|---|---|---|
| Khamidov O. Kh.<br>Khayrullaeva N.N. | Development of the economic system "natural and recreational zones in the sphere of tourism" | 6 |
| Навруз-Зода Б.Н. | Ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион модели | 10 |
| D.Sh.Yavmutov<br>A.T.Jo'rayev | O'zbekistonda sanoatni yashil iqtisodiyot tamoyillari asosida rivojlantirish masalalari | 15 |
| Ergashev R.X. | Elektron tijoratda raqamli bank хизмати | 17 |
| Хожиева И.А. | Аккредитация АССА экономических ВУЗов как инструмент оценивания квалификации их выпускников в рамках цифровой экономики | 20 |
| Bazarova M.S. | Features of employment in the digital economy | 24 |
| Farmonova M.N. | Raqamli iqtisodiyot muammolari va rivojlanish istiqbollari | 27 |
| Шарипова М.М. | Пути эффективного использования трудовых ресурсов в цифровой экономике | 32 |
| Toxirov A.T. | Sanoat korxonalarini boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish orqaliy boshqaruv samaradorligini oshirish va iqtisodiy xavfsizlikni taminlash masalalari | 35 |
| Maxmudova N.J. | Methods of risk assessment in industrial enterprises in the digital economy | 41 |
| Qiyomov Y. T. | Raqamli iqtisodiyotning bugungi kundagi ahamiyati va uning muammolari hamda rivojlanish istiqbollari | 44 |
| Илҳамова З.П. | Хоразм вилояти туризм соҳасини ақамлаштириш имкониятлари | 48 |
| А.Д.Анаркулов<br>Тўраев Ш.А. | Ўзбекистон Республикаси саноат иқтисодиётининг технологик ривожланиш даражаси | 50 |
| Ashurova M.X. | O'zbekistonda pandemiya sharoitida taqchillikni bartaraf etish imkoniyatlari | 54 |
| Зайиров З.Х.,<br>Халилова Л.М. | Кооперативное хозяйство: история и проблемы развития | 58 |
| Болтаева М.Ш. | Хизматлар соҳасини рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш имкониятлари | 61 |
| Djabbarov R. | Raqamli iqtisodiyot rivojlanishida mobil ilovalarni qo'llashning statistik tahlili | 66 |
| Хашимов П.З.,<br>Фахриддинова З.Ф. | Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш қонуниятлари ва хусусиятлари | 70 |
| Ergasheva A. F. | Globallashuvning hunarmandchilik istiqboliga ta'siri | 76 |
| Farmanov E. | After the pandemic: improving the quality of transport services using the digital economy tools | 80 |
| Jalolov Otabek | Improving and developing the mechanism for managing the advertising activities of tourism organizations | 84 |
| Қулиев Н.Х.,<br>Бакаева М.А. | Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари | 86 |
| Арипов О.А. | Рақамли иқтисодиёт асосида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш | 90 |
| Sharifova Sh. Sh. | Restoranlarda halol ovqatlanishga bo`lgan aholining ehtiyoji (Buxoro shahrida o`tkazilgan tadqiqot natijalari tahlili) | 97 |
| Хакимов З.А.<br>Ахмадова Р.Ж. | Саноат кластерларнинг рақамли трансформацияси | 102 |

Bigman, A., 2013. 99 designes. Available from http://99designs.com/de blog/2013/03/12/the-best-andworst-of-the-worlds-tourism-destination-logos/ [Accessed 0 2014]. Coldwell, W., 2013. Theguardian.

Dos, W.R., 2007. Tourism management. First. Translated by Seyyed Mohammad Iza Davoud Aerab. Tehran: Publications Office of Cultural Research. Hardy, G., Downwithdesign. Available from http://www.downwithdesign.com/logo-design/brands land-travel-tourism-logos/ [Accessed 05 07, 2014]. Http://www.wttc.org, 2014. www.wt http://wttc-infographic.org. [Accessed 7, 27, 2014].

Ibrahimi and Associates, 2009. The effect of advertising on tourists. International t in Esfahan. Geography and Development: 139-156.

Ketabchi and M. Mohammad, 2004. Marketing of travel and tourism. Tehran: Feres ching, W., C. Shu-Hui, S. Che-Jen and T. Hsin-Yi, 2007. Move information, st effectiveness different group package tour advertising components on web page. Jour Business Research, 60: 382-387.

**Қулиев Наим Халимович, иқтисодиёт фанлари номзоди, д**
**Бакаева Мохира Ахроровна, ўқитувчи Бухоро давлат универс**

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ УНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***Аннотация.*** Мақолада озиқ-овқат саноатини трасформация қилиш асосида рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари ёритиб берилган. Озиқ-овқат са корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилиши лозим б чора-тадбирлар кўсатиб берилган.

***Аннотация.*** В статье освещены направлении повышении конкурентоспособ предприятий на основе трансформации пищевой промышленности. Пок осуществляемые мероприятии по повышению конкурентоспособности предпр пищевой промышленности.

**Annotation.** The article highlights the direction of increasing the competitiven enterprises based on the transformation of the food industry. The measures taken to impro competitiveness of food industry enterprises are shown.

**Калит сузлар:** озиқ-овқат саноати, барқарор иқтисодий ўсиш, трансформ тайёр маҳсулот, рақобат, миллий иқтисодиёт, инновацион ривожланиш, ра салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти.

Ключевые слова: пищевая промышленность, устойчивый экономический трансформация, готовая продукция, конкуренция, национальная эконо инновационное развитие, конкурентный потенциал, производственный потенциал.

Keywords: food industry, sustainable economic growth, transformation, finished pro competition, national economy, innovative development, competitive potential, prod potential.

Озиқ-овқат саноатида бугунги куннинг энг долзарб масалалари трансформация жараёнларини амалга ошириш орқали тармоқ корхоналарини ривожлантириш, корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқар ривожлантириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳисобла Таъкидлаш жоиз озиқ-овқат саноати корхоналарининг тез суръатлар ривожланишини таъминламасдан барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас.

Трансформация жараёнларини амалга оширишнинг илмий асослари ҳақида тўхталиб айтиш мумкинки, трансформация сўзининг луғавий маъноси лотинчада Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш маъносини билдириб:

1) таркиб, шакл ва услубларни қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;

2) айлантиришнинг усулларидан бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади.

Трансформация бўйича тажриба босқичма-босқич шаклланиб боради ва натижада озиқ-овқат саноатида йилдан-йилга трансформация жараёнларининг чуқурлашиб бориши корхоналарининг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлайди ҳамда ижтимоий соҳа билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш, саноат тармоклари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар ,бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мазкур йўналишнинг энг муҳим ва устувор вазифалари ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш, саноат тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам мазкур йўналишнинг энг муҳим ва устувор вазифаларидандир. Саноат корхоналарининг бозорда эгаллаган ўрни мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг ривожланиш кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 13,9 % ни, унинг физик ҳажм индекси 10,9 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,9 % ни ташкил этди, 2019 йилга нисбатан физик ҳажм индекси 8,7 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 42 388,2 млрд. сўмни ташкил этди[1].

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири маҳсулотлар рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир. Рақобат муаммоси бугунги кунда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланиб бормокда. Чунки ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб, рақобатлашиш чегараси фирмалараро рақобатдан тармок, мамлакатлар ва ҳудудлар доирасигача кенгайиб кетди.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини трансформациялаш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилди, жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги фармойиши шунингдек, Президентнинг 2020 йил 27 октябрдаги Фармони ижросини таъминлаш доирасида «Coca-Cola Bottlers Uzbekistan, Ltd» МЧЖ устав капиталидаги давлат улуши (57,118% миқдорида) Туркиянинг Coca-Cola

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

icecek компаниясига 252,28 миллион долларга сотилди. «Coca-Cola Bottlers Uzbe Ltd» МЧЖдаги давлат улушини сотиш жараёни умумэътироф этилган, ма қонунчилигига зид бўлмаган, халқаро амалиётга мувофиқ манфаатдор харидорлар ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этилди.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъми унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кў турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебрани инқироз ҳолатларига нисбатан "чидамлик", мустақил ривожланиш салоҳияти иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига б бўлади. Айни вақтда озиқ-овқат саноати соҳасини тубдан янгилаш ва модерни қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чам боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни, барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислох трансформация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувоза таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутади.

Иқтисодиёт ва мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини трансформация қилиш аввало, ушбу жараёнларда иштирок этадиган, уларни амалга оширадиган ва до равишда такомиллаштириб борадиган жамият аъзоларининг дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ислоҳат жараёнларидаги фао ошишига бевосита боғлиқдир. "Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модерни қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш борасида Президентимизнинг 201 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ- саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК – сонли Қарори муҳим аҳамият касб этади"[1].

Бундан асосий мақсад-мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини барқарор, жад мутаносиб равишда ривожлантириш, диверсификация қилиш ва маҳсулотларни эк салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, овқат саноати тармоқлари, комплекс ва корхоналарини модернизация қилиш, и чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ра рақобатбардошлигини янада оширишдан иборат. Бозор иқтисодиётида жа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳар қандай хўжалик фаолияти мак мувофиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан озиқ-овқат саноати бозор хўжалик юри тизимида алоҳида ўрин тутади.

Ривожланаётган иқтисодиёт эҳтиёжи билан шартланган муқаррар табиий силжи айниқса, озиқ-овқат саноати тармоқларида жадал кечмоқда, бу ишлаб чиқар диверсификациялашни доимий равишда амалга ошириш билан бир қаторда ма тармоқни ривожланишини рағбатлантиради.

Инновацион ривожланишнинг ҳозирги босқичида озиқ-овқат саноа трансформация қилиш ва реконструкциялаш, биринчи галда, тармоқнинг ижти аҳамиятлилигидан келиб чиқиб жуда муҳим ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати технологик ускуналарини такрор ишлаб чиқариш суръатлари инновацион ўзгари суръатларига ва рақобат бозори талабларига мос келиши керак. Асосий фондлар қисмининг улуши улар умумий қийматининг тахминан ярмини ташкил қиладиган тармоқ учун ҳар йиллик янгиланиш суръатлари камида 10 фоиз, технологик ускунала такрор ишлаб чиқариш суръатлари эса 15-20 фоиз даражасида бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий кластерл ўтиш маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан республикамиз озиқ-овқат саноатини ривожланти учун жаҳон иқтисодиёти амалиётида кенг тарқалган кластерли ёндашувни қўллаш қизиқиш уйғотади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-4406–сонли Қарори. 2019 й июль.

Рақобатбардош тармоқлар кластерларининг мавжуд эмаслиги республиканинг миллий устунлиги учун заифликнинг жиддий унсури ҳисобланади, чунки кластерлар минтақавий ривожланиш, катта ва кичик бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги учун база ҳисобланади. Шунинг учун ҳукуматнинг барча саъй-ҳаракатлари алоҳида корхоналар ва тармоқларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида, якуний истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантиришга йўналтириши керак. Кластер ҳукумат ва бизнеснинг ташаббуслари асосида шаклланади. У ёки бу тармоқда кластерни шакллантириш миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга, чунки кластер ички ўсишга асос солган ҳолда бутун занжирни ўз ортидан эргаштириши мумкин бўлган бўғин ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатида трансформация жараёнларини амалга оширишда, хусусан янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда хусусий, шу жумладан хорижий инвесторлар ва технологик шерикларни жалб қилишни назарда тутувчи "Озиқ-овқат саноатида технологик кластерларни яратиш бўйича очиқ ҳамкорлик дастури"ини ишлаб чиқиш керак бўлади Унга асосан:

янги ишлаб чиқариш қувватларини (лойиҳаларини) кластерларнинг таркибида йирик технологик мажмуаларга туташ ҳудудларда ёки бўш майдонларда тендер (танлов)лар асосида жойлаштириш;

юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини кимёвий хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар негизида яратиш амалга оширилади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан эришилган рақобат салоҳияти даражаси билан белгиланади, бу ривожланишнинг замонавий шароитида биринчи навбатда табиий ресурсларнинг мавжудлиги, юқори технологияли иқтисодиёт тармоқлари, ривожланган инфратузилма, сезиларли потенциал бозор талаби, арзон меҳнат кабиларга боғлиқ. "Рақобат салоҳияти" ва "ишлаб чиқариш салоҳияти" тушунчаларини таққослайдиган бўлсак, собиқ озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ресурслардан оптимал фойдаланиш ишлаб чиқариш салоҳиятидан кенгроқ ва мураккаброқдир.

Ҳозирги шароитда нафақат соҳанинг рақобатбарда устунликларини аниқлаш ёки шакллантириш, балки келажакда унинг барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Рақобат афзалликлари паст ва юқори даражадаги афзалликларга бўлинади. Тадқиқотлар кўрсатдики, маҳсулот ва хизматларнинг инновацион сифати, ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион таъминлаш ва маҳсулотни бозорда тарғиб қилишнинг инновацион усулларига асосланган рақобат афзалликлари барқарор ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасида бу соҳани бир неча жабҳаларида муаммолар мавжудлигига амин бўлдик ва бу муаммолар озиқ-овқат саноатини ривожланишига тўғридан-тўғри салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигининг асосларини қонуний мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йил 25 мартда 2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури қабул қилинди. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, миллий хавфсизлиги ва мамлакат мустақиллигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Мазкур йўналишда республикада аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг озиқ-овқат саноати тармоғида узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошликни ошириш учун қуйидаги йўналишларга кучларни ва ресурсларни қаратиш лозим:

иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия

сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатда
босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминла

озиқ-овқат саноат корхоналарини модернизация қилишнинг биринчи навб объекти инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элеме бўлиши лозим;

озиқ-овқат саноатида янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарл рақобатбардошлигини ошириш;

саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологияда кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тарм ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни этиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, юқоридаги чора-тадбирларни комплекс ошириш мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат саноати маҳсулотлари била истеъмол бозорини тўлдиришда, қишлоқ жойларида замонавий юқори унумли тех технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларин қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимч тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4406–сонли Қарори. 2019 йил 29 июль.
3. Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы- М.: «НОВ 2000
4. М. Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого резул обеспечить его устойчивость / пер. с англ. М.: «Альпина Паблишер», 2008. 5. Port How Competitive Forces Shape Strategy // Harvard Business Review, March/April 1999

**Арипов Ойбек Абду**
**и.ф.д., "Иқтисодиёт" кафедраси мудири, Н**

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши нат ишбилармонлик муҳитини янада кенгайишига олиб келадиган мулоҳазалар юрити

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ишбилармонлик муҳити, кичик тадбиркорлик, виртуал муҳит.

**Аннотация:** В статье рассматривается дальнейшее расширение деловой результате развития цифровой экономики.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, деловая среда, малый предпринимательство, виртуальная среда.

**Abstract:** The article discusses the further expansion of the business environ result of the development of the digital economy.

**Key words:** digital economy, business environment, small business, entrepr virtual environment.

Иқтисодиёти барқарорлашиб борган ҳар бир мамлакатда ишбил муҳитининг тобора ривожланишига рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами сез

| | | |
|---|---|---|
| | прогресса в развивающихся экономиках | |
| Каленов К.Т. | Хитой бозорига мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини суғурталашни такомиллаштириш | 404 |
| Содиков Х.Т. | Инновационные методы мотивации персонала транспортной компании | 407 |
| Фаттаева Н. | Логистик тизимлар фаолияти ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари | 410 |
| Хасанова Н.Ш. | Инсон ресурсларини бошқариш стратегиясининг моҳияти ва аҳамияти | 413 |
| Бозоров А.А.<br>Бозоров А.О.<br>Билялов Е.Я. | Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантиришда солиқлар дастагидан фойдаланиш масалалари | 416 |
| Ходжаева Д.Х. | Экологическое образование как фактор устойчивого развития экономики | 420 |
| Хусаинов О.Дж. | Чорвачилик соҳасида инфратузилма хизматларини йўлга қўйишда исроил давлати тажрибаларининг аҳамиятли жиҳатлари | 423 |
| Шодмонов Ш. | Қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти | 426 |
| Самадкулов М.И. | Ўзбекистон Республикасининг инновацион салоҳияти ва ундан фойдаланиш самарадорлиги | 428 |
| **5-SHO'‘BA: SANOAT RAQAMLI TRANSFORMATSIYASINING JAMIYAT VA ATROF -MUHITGA TA'SIRI** | | |
| Абулкасимов Х.П. | Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари | 436 |
| Очилов В.Ш. | Иқтисодиёт тармоқларида рақамли трансформациянинг самараси | 441 |
| Karimov A. | Cybersecurity: the key factor of a successful digital transformation | 445 |
| Toxirov A.T.<br>Muxamedova SH.A. | Yog‘-moy korxonalari iqtisodiy xafvsizligini ta’minlashda raqamli texnologiyalardan foydalanishining SWOT – tahlili | 449 |
| Бурханова Ш.Б. | Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг аҳоли даромадларига таъсири ва уни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари | 452 |


“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Адади 50 нусха. Ҳажми 462 бет. Формат А4. Буюртма №78. 2022.

Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй.